



## ОИЛА ИНСТИТУТИДАГИ КУЗАТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Баҳриддинова Муаззам Азам қизи**

“Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот  
институту

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5658455>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-oktabr 2021  
Ma'qullandi: 25- oktabr 2021  
Chop etildi: 30- oktabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

*Оила, никоҳ, ажралиш, оиладаги демографик, иқтисодий ва ижтимоий вазифалар, оила мезонлари*

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада оила институтидаги демографик жараёнлар ва унинг аҳамияти нималардан иборат эканлиги ёритиб берилган*

Оила деб, аталмиш муқаддас макон, “оила қасри”нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Оила шаклланиши эса, ўз ўрнида никоҳ ва ажралиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ажралиш, яъни никоҳни бекор этилиши ҳам аҳоли такрор барпо бўлишига таъсир этувчи демографик жараён ҳисобланади. Демография ушбу жараённи ўрганар экан, унга таъсир этувчи қатор сабаб ва оқибатларини атрофлича таҳлил этади.

2020-йилда Қашқадарё вилоятида тузилган никоҳлар сони 31175 тани ташкил этмоқда. Ваҳоланки, 2010-йилда бу кўрсаткич вилоятда умумий 26737 тани ташкил қилган. Демак Қашқадарё вилоятида никоҳдан ўтиш сони


кўпайган дейишимиз мумкин. Бунга аҳоли орасида туғилишнинг мунтазам равишда ортиши ва авлодлар алмашинувининг тез ўсиши билан изоҳлашимиз мумкин. Миллий урф-одатлар, йиллар давомида мерос бўлиб келаётган қадриятлар вилоятда никоҳ қураётганлар сони ортишига олиб келмоқда.

Никоҳ жараёни аҳоли такрор барпо бўлишида асосий жараён бўлиб, ҳудудлар бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, туманлар орасида энг кўп никоҳ сони Чироқчи туманига тўғри келмоқда (3966 та). Чироқчи тумани туғилиш, ўлим ҳатто никоҳлар сони бўйича ҳам нафақат, вилоятда балки, республикамизда ҳам етакчи туманлардан бири ҳисобланади. Чироқчи тумани чорвачиликка ихтисослашган туманлардан



ҳисобланиб, аҳолини катта қисми чорвадорлик билан шуғулланади. Туманда никоҳлар сонини юқори бўлишига асосий сабаблардан яна бири бу туғилиш жараёнидир. Бундан ташқари туманда аёлларнинг бандлиги вилоятда энг кам кўрсаткичга эга бўлиб, қизларни мактабни битирганидан сўнг, қисқа муддатда турмушга бериб юборилади. Турмуш қурган ёш қиз табиийки маълумотлилик даражасига эга бўлмайди. Фарзанд дунёга келтириш ва уни тарбиялаш билан машғул бўлади, эркаклар ҳам нисбатан ёш оила қуради. Энг кам никоҳ сони билан Муборак тумани охириги ўринда турибди (845 та)

(1-расм). Муборак тумани вилоятнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, вилоятнинг энг аҳамиятли туманларидан бири ҳисобланади. Муборак тумани саноатлашган туман бўлгани боис, бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг 90 фоизи ишчи ва хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳисобланади. Бу ерга ишлаш мақсадида келувчи эркаклар катта фоизни ташкил қилиб, аксарият қисми, туманга ишлаш учун келганида оилали бўлиб бўлган бўлади. Шу боисдан, Муборак туманида никоҳлар сони энг кам кўрсаткичга эга бўлади.



1-расм: Қашқадарё вилоятида қайд этилган никоҳлар динамикаси, 2010-2019 йиллар.

Жамият шаклланиши шароитида оилалар баъзи муаммоларга дуч келмоқда. Хусусан, аҳоли саломатлиги, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, ажралишлар натижасида, ногўлиқ оилаларнинг ортиб бориши, чин етимлик кўрсаткичининг ортиши ва ишсизлик оқибатида ташқи миграциянинг ортиши каби муаммолар шулар жумласидандир.

Оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг меҳнат соҳаси ва жамоат ишларида фаол қатнашишини оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориши учун яхши шароитлар яратиш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазасини янада ошириш, репродуктив




саломатликни мустақкамлашга қаратилган вазифалар оилани барқарор ривожланишини таъминлайди.

Бугунги кунда республикамызда 8,5 миллионга яқин оила истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, оилаларда ажрашишлар жараёнида ўсиш динамикаси тобора кузатилмоқда. Қайд этиш лозимки, юртимизда 2013 йилда 24,0 мингта ажрашиш қайд қилинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 31,3 мингга етди, яъни беш йил ичида ажрашишлар сони 7,3 мингга ортди.

Аҳоли такрор барпо бўлишида никоҳ жараёнлари сингари ажралишнинг ҳам ўрни бор. Ҳолбуки, аҳоли такрор барпо бўлишида ажралиш таъсир омили ҳисобланади. Жумладан, Қашқадарё вилоятида умумий ажралишлар сони 2010-йилда 799 тани ташкил этган бўлса, 2019-йил якунида 1567 тани ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Вилоятда ажримлар сони бўйича Қарши шаҳри биринчи ўринда турибди (255 та).

Қарши шаҳри вилоят маркази ҳисобланиб, бу ерда асосан маълумотлилик даражасига эга эркак ва аёллар, уларнинг оила аъзолари истиқомат қиладилар. Қарши шаҳрида ҳар хил миллат вакиллари истиқомат қилиши, диний ранг-баранглик, урф-одатлар турлича эканлиги, бундан ташқари, эркак ва аёлнинг иш билан бандлиги туфайли оилада арзимаган тортишув ҳам ажримга сабаб бўлади ва бўлмоқда. Муборак тумани эса ажримлар сони бўйича ҳам охириги ўринда турибди (35 та), (2-расм) Муборак тумани вилоятнинг саноатлашган тумани ҳисобланиб, бу ерда асосан ишчи ва хизматчилар, уларнинг оила аъзолари истиқомат қиладилар. Бу ерда эркакларнинг иш билан бандлиги, аёлларнинг бола парвариши билан банд бўлиши, моддий жиҳатдан яхши таъминланганлиги туфайли, оилаларда ажримлар сони камлиги кузатилди.



2-расм: Қашқадарё вилоятида ажримлар динамикаси, 2011-2019 йиллар.

Қашқадарё вилоятида 2010-2020 йиллар оралиғида қайд этилган ажралишларни сабаблари таҳлили шуни кўрсатадики,

вилоятда ажрашганларнинг асосий қисми, қарийб 34 фоизи 3-5 йил яшаганлар ўртасида, 32,5 фоизи 5-10 йил яшаганлар ўртасида кузатилмоқда. 17,3 фоизи 1-3 йил яшаганлар ўртасида



кузатилмоқда. Агарда, оила ажралиши эртароқ содир бўлиши ва суд орқали ажрим анча муддат кейин амалга оширилаётгани эътиборга олинса, 1-3 йил яшаб ажрашганлар салмоғи янада ортиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ажралишлар асосан 3-5 йилгача бўлган давр ичида содир бўлаётганини кузатиш мумкин.

Ажралиш сабаблари орасида қайнона-келин ва бошқа оила аъзолари ўртасида бир-бирини менсимаслик ва ўзаро ҳурмат йўқолганлиги каби носоғлом оила муҳитидаги ҳолат бора-бора эр-хотин ажралиши билан яқунланмоқда. Умуман, оила қуришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуқлигининг паст даражадалиги оиланинг мувоффақиятли яшаб

кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтирган ва ажралишларга олиб келган дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, вилоят аҳолисининг такрор барпо бўлиши бу нафақат, демографик ривожланишга, балки иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатади. Олинган натижаларга кўра, аҳоли сонининг йил сайин кўпайиб бораётгани долзарб масала ҳисобланади. Унинг демографик ривожланишдаги аҳамият шундаки, келгусида аҳолининг кўпайиши бандлик, уй-жой, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини йўлга қўйишда юзага келадиган муаммоларда яққол намоён бўлади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Абдурахмонов. Қ.Х., Х.Х. Абдурамонов. Демография. Ношир-2011. 113 б.
2. Ата-Мирзаев О.Б. Ходжаева Г. Принципы региональной политики народонаселения Узбекистана. Ўзбекистон география жамияти ахбороти.-Т., 1998, 19-жилд. 83-84 б.
3. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., Муртазаев Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана.-Т., "Университет", 2002. 74 б.
4. Бердикулова М.Т. Қашқадарё вилояти шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиш хусусиятлари -Замонавий географиянинг муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2010. 184-186 б.
5. Бўриева М.Р. Демография асослари. Маърузалар матни.-Т., 2001. 60 б.
6. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Т, 1997. 37-38 бб.
7. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Саидов А. Ўзбекистоннинг бугунги демографик вазияти. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21- жилд. Т., 2000. 188 б.
8. Бўриев О., Очилов А. XIX аср-XX аср бошида Қашқадарё воҳаси аҳолиси. -Замонавий географиянинг муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2010. 215-219 б.
9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
10. [www.qashstat.uz](http://www.qashstat.uz)